



ЎзХДП: устувор вазифалар

Ислохотларнинг бугунги босқичи

фаолиятимизни изчил кучайтириб боришни талаб этмоқда

— Мамлакатимизда рўй бераётган сиёсий жараёнларни кузатиб, унда фаол иштирок этишга қизиқардим, — дейди Навоий давлат педагогика институту талабаси, ЎзХДП аъзоси Феруза Қаршиева. — Шу мақсадда Ўзбекистон Халқ демократик партиясига аъзо бўлдим. Сиёсий-ҳуқуқий билимларимни мустаҳкамлаш учун партия томонидан ўтказилаётган тадбирларда иштирок этиб келяпман. Улар очиқ мулоқот тарзида ўтаётгани партия аъзоларининг дунёқараши янада кенгайишида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.



ЎзХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан Навоий вилоят партия кенгашида ўтказилган семинарда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолиятини кучайтириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда улар-

нинг иштирокини кенгайтириш, иш ўринлари ташкил этиш ҳамда касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлашдаги фаоллигини ошириш билан боғлиқ масалалар танқидий руҳда муҳокама этилди.

Бизнинг ҳаракатларимиз бевосита электорат манфаатлари билан боғлиқ долзарб масалаларда ижро ҳокимиятининг масъулиятини ошириш, амалдаги қонун ва қарорлар, давлат дастурларининг самарали ижросини таъминлашга қаратилган. Лекин, очиғини тан олиш керакки, қилаётган ишларимиз олдимизда турган муҳим вазифаларга нисбатан жуда оз.

Давоми 2-бетда.

Муносабат

ЎзХДП манзилли ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА йўналтирилган

сиёсатни қўллаб-қувватлайди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори билан тасдиқланган «Соғлом бола йили» Давлат дастури соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга, айниқса, ижтимоий соҳада кенг қамровли чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилганини партиямиз алоҳида эътироф этади ҳамда қўллаб-қувватлайди.

Кучли ва манзилли ижтимоий сиёсат тарафдори бўлиб келаётган ЎзХДП соғлом бола туғилиши, ривожланиши билан боғлиқ тегишли қонунчиликни янада ривожлантириш, оилалар мустаҳкамлигига хизмат қиладиган кадрларни улуғлаш, ёш оилаларни моддий, маънавий қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, аёлларнинг кундалик юмушларини енгиллаштириш каби мақсадлар белгиланган Давлат дастури юртимизни янада обод қилади, халқимиз турмушини фаровонлаштиради, деб ҳисоблайди.

Унда назарда тутилган масалалар ЎзХДП Дастури ҳамда Сайловолди дастуридаги бир қатор муҳим вазифалар, хусусан, кам таъминланган оилалардаги хотин-қизлар манфаатини ҳимоя қилиш, уларнинг рўзгор меҳнатини енгиллаштириш, қишлоқларда замонавий ижтимоий инфратузилма, тиббиёт ва савдо тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ аҳолисига коммунал хизматлар кўрсатиш сифатини яхшилаш, тиббиёт ва таълим тизимидаги ислохотларни торабора чуқурлаштириш билан узвий боғлиқдир.

Шунинг учун партиямиз мазкур Давлат дастурининг тўлиқ ва самарали ижро этилишига жиддий эътибор қаратади. Қуни кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партиямиз фракциясининг кенгайтирилган йиғилишида бу масала чуқур муҳокама этилди.

Фракциямиз аъзолари партиямиз электорати манфаатларини таъминлашда дастурнинг муҳим ўрин тутишини, унинг ижроси устидан жамоатчилик ва депутатлик назоратини изчил олиб бориш долзарб вазифа ҳисобланганини алоҳида таъкидлашди.

Айтиш керакки, Давлат дастурини тайёрлашда вазириликлар, мутасадди идора-ташкilotлар билан бирга, жамоат бирлашмалари, фуқаролик жамияти институтларининг тақлифлари, умуман, кенг жамоатчилик фикри инобатга олинган.

Ушбу дастур жамиятда соғлом бола туғилиши ва ривожланишига янада кулай муҳит яратилишига хизмат

қилувчи 120 дан ортиқ тизимли тадбирларни қамраб олган. Партиямиз мазкур тадбирлар амалга оширилиши мустақиллик йилларида Президентимиз раҳбарлигида юритилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг мантӣқий давоми бўлади, деб ҳисоблайди.

Дастурда партиямиз электорати вакиллари бўлган соғлиқни сақлаш тизими ходимларининг соғлом бола ни шакллантиришдаги роли ва масъулиятини оширишга катта эътибор қаратилган. Жумладан, унда тиббиёт соҳаси моддий-техника базаси, кадрлар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, аҳоли тиббий маданиятини ошириш масалалари акс этган.

Жорий йил давомида мактабгача таълим ва умумтаълим мактабларидаги 6,6 миллион нафар болани чуқурлаштирилган тиббий профилактика кўригидан ўтказиш, барча даражадаги таълим маъсасаларида тиббий-санитария хизмати кўрсатиш тартибини такомиллаштириш, жисмоний, руҳий ривожланишида нуқсон бор болаларга комплекс ёрдам кўрсатиш бўйича илгор технологияларни жорий этиш, имконияти чекланган болаларни манзилли ижтимоий ҳимоялаш кўзда тутилган.

Соғлом бола туғилиб, ўсиб-улғаяётган оиланинг қувончини ўзимизга тасаввур қилиб кўрайлик. Фарзанди ҳеч қимдан кам бўлмай, ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етаётганини кўриб, ҳис этиб яшайдиган ота-онанинг кайфияти, ишга, ҳаётга муносабати, эртанги кунга ишончи ҳам ўзгача бўлади. Бундай оилада соғлом муҳит, соғлом дунёқараш қарор топади.

Ўз-ўзидан аёниқ, «Соғлом бола йили» Давлат дастури, унда белгиланган вазифалар, эзгу мақсадлар ҳамма-мизнинг оиламиз, фарзандларимиз тақдирини билан узвий боғлиқ. Шундай экан, унинг ижросида ҳар биримизнинг ўз ўрнини, муносиб ҳиссамиз бўлиши лозим.

Фахриддин РАЖАБОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси.

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

Депутатнинг бурчи ва масъулияти

Комила КАРОМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси



парламент, хусусан, унга сайланган депутатлар фаолиятига боғлиқ. Шу жиҳатдан қараганда, парламент Қонунчилик палатаси депутатлари зиммасида катта вазифалар турибди. Сухбатдошимиз Комила Каромова бу борада муҳим фикрларни билдирди.

Конституциямиз қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сиёсий партиялар, улардан сайланган депутатлар фаолияти кучайиши давлат бошқарушини янада демократлаштиришнинг муҳим омил экани алоҳида таъкидланди. Табиийки, сиёсий партия давлат ва жамият ишларини бажаришда иштирок этишининг энг асосий воситаси бу давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайланган депутатларидир.

Қабул қилинаётган қонунлар сифатини ошириш, уларда аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олиш, қонунлар ва давлат дастурлари ижросининг самарадорлигини таъминлаш масалалари кўп жиҳатдан миллий

— 2010 йилнинг 27 январидан Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида «Бугунги кунда эл-юртимиз ўзи сайлаган депутатлар ва сенаторларга, ислохотлар тақдирини учун масъул бўлган барча-барча инсонларга катта умид ва ишонч билан қарамоқда. Бундай юксак ишончнинг оқлаш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир,» деган эдилар, — дейди у.

Давоми 2-бетда.

ЎзХДП Сайловолди дастуридан:

Ўзбекистон Халқ демократик партияси қишлоқ ҳудудларида уй-жой қуришни кенгайтириш, намунали лойиҳалар бўйича қурилаётган уй-жой учун имтиёзли кредитлар бериш жараёнида ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонлар манфаатларини муҳофаза қилиш, бу борадаги давлат қарорларининг жойларда аниқ бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш муҳим, деб ҳисоблайди.

Ижтимоий ҳимоя

Янги иш ўринлари

12 турдаги трикотаж маҳсулотлари тайёрланаётган Денов туманидаги «Александр-Авангард-Денов» хусусий фирмаси фаолияти кенгайтирилиши эъзига йигирма нафарга яқин қишлоқ ёшларининг бандлиги таъминланди. Натижада 20 турдан ортиқ спорт кийимлари ҳамда анжомлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

— Аҳоли бандлиги фаровон ҳаётнинг асосий кафолати ҳисобланади, — дейди ЎзХДП Денов туман кенгаши раиси Ҳасан Мирзаев. — Янги иш ўринлари, унда асосан ёшлар, хусусан, коллеж битирувчиларининг банд бўлиши жамиятда ижтимоий мувозанатни таъминловчи омиллардан эканлиги барчамизга маълум. Шу боис ҳудудий бандлик дастурларининг тўлиқ ижро-

сини таъминлаш устидан жамоат назоратини ўрнатиш, шу оқали электоратимиз манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Биз қишлоқ жойларида янги иш ўринларини кўпайтиришга қаратилган бундай ҳаракатларни қўллаб-қувватлаймиз.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

«Ўзбекистон овози» сайтыда ўқинг

«Соғлом бола йили» Давлат дастуридан келиб чиқадиган долзарб вазифалар белгилаб олинди



www.uzbekistonovozi.uz

«Мен Ватаним равнақига ҳисса қўшишни хоҳлайман!»

Кўрик-танловнинг дастлабки босқичи бошланғич ташкилотларда ўтказилмоқда

Хабарингиз бор, бир неча йилдан бери Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Истиқбол» ёшлар қаноти «Ёш сиёсатчи» кўрик-танловини анъанавий тарзда ўтказиб келмоқда. Таъкидлаш керакки, танлов шартлари йилдан йилга такомиллашиб, қамрови доираси ҳам кенгайиб бораёпти.

Шу вақтга қадар танлов уч босқичда (туман, вилоят, республика) ўтказиб келинган эди. Жорий йилдан бошлаб эса у тўрт босқичда ўтказилаётган бўлди.

Танловнинг бошланғич партия ташкилотларидаги биринчи босқичи шу кунларда қизгин беллашувлар билан ўтмоқда. Ёш сиёсатчилар баҳсининг бу босқичи март ойининг охирида якунланади. Белгиланган учта шартга кўра, голибликни қўлга киритган тенгдошларимиз танловнинг туман (шаҳар)

босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Иккинчи босқич апрель-май ойларида, учинчи босқич июнь ойида, охириги тўртинчи босқич эса сентябрь ойида Тошкент шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган.

Мазкур танловнинг асосий мақсади ёшларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш, мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг фаол иштирокини таъминлаш, ёшлар орасидан бўлғуси депутатлар, партия ташкилотларининг аъзоларини шакллантиришдан иборатдир.

Партиямизнинг 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган барча аъзолари кўрик-танловда иштирок этиши мумкин.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Истиқбол» ёшлар қаноти

Халқ депутатлари Бухоро вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзХДП гуруҳларининг ўтган йилги фаолияти таҳлиллари нималарни кўрсатмоқда?

Бу ҳақда газетамизнинг келгуси сонида ўқийсиз.

Интернет-суҳбат

«Ўзбек-немис ва немис-ўзбек архитектура луғати» яратилишида


Ўзбекистон Миллий университети магистранти Наргиза Илҳомова таржимон сифатида иштирок этмоқда

— Ҳозирда Германиянинг Потсдам ихтисослаштирилган институтда малака оширишда...

ўртасидаги дипломатик муносабатлар архитектура соҳасида ҳам ривожланмоқда.

Ўзбекистонда бинолар, иншоотларни сақлаш, ёдгорликларни асраш...

Архитектурада улкан муваффақиятлар кузатилаётган бир пайтда...



Таржима қилиниши керак бўлган ҳужжатлар, илмий адабиётлар, ундаги илмий атамалар сони кун сайин кўпайиб бормоқда.

Бунда илмий-техник матнлар таржимонининг ўрни катта.

Таржимон нафақат чет тилида, балки она тилида ҳам тўғри сўзлаш ва ёзиши, сўз бойлигини...

фи Рожерс бу ҳақда «Таржима бугунги кунга қадар космосдан кейинги энг мураккаб ва идрок қилиб бўлмайдиган соҳалигича қолмоқда» деб ёзганди.

Немис тилининг архитектурага оид терминологияси тилимизда ҳозирга қадар махсус тадқиқот объекти сифатида ўргангилмаган.

— Немис халқининг турмуш тарзи ҳақида нима дея оласиз?

— Германиянинг кўп шаҳарлари кўрдим, немис оилаларида истиқомат қилиб, уларнинг менталитети, турмуш тарзи билан яқиндан танишдим.

Анчадан бери Германияда педагогик-психология йўналишида ўқишни ният қилардим.

«Ўзбекистон овози» мухбири Темур АЪЗАМ суҳбатлашди.

Спорт

«СТРАНЖА» кубогидаги галабалар

София (Болгария)да бокс бўйича анъанавий «Странжа» кубоги халқаро турнири нихоясига етди.

Ўз вазн тоифасида ҳамюртимиз Камол Мелиев (49 кг) бош совринни кўлга киритди.

Яна бир истеъдодли боксчимиз Баходир Жалолов (91 кг) ҳам ўз маҳоратини намойиш қилди.

Эътиборлиси, мусобақада мамлакатимиз аёллар терма жамоаси илк маротаба қатнашди.

Ўз вази тоифасида ҳамюртимиз Камол Мелиев (49 кг) бош совринни кўлга киритди.

ЭНГ КУЧЛИ 16 жамоа

чемпионлик учун курашади

Хабарингиз бор, шу йилнинг 30 апрель — 10 май кунлари Вьетнамда футбол бўйича навбатдаги Осиё чемпионати бўлиб ўтди.

Кунни кеча мазкур нуфузли мусобақага қуръа ташланди.

Китъа чемпионатининг қолган гуруҳларидан эса куйидаги жамоалар жой олган:

- «А» гуруҳи. Вьетнам, Кувайт, Тожикистон, Ироқ, Эрон, Австралия, Хитой, Индонезия, Тайланд, Ливан, Хитой-Тайпейи, Малайзия.

ОБ-ҲАВО 04-05 — 03. 2014

Юртимиз буйлаб (°C) Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти

Бухоро ва Навоий вилоятлари

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари

Қашқадарь ҳамда Сурхондарё вилоятлари

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари

Тошкент шаҳри

Дунё буйлаб (°C)

Лондон +12 / +13 Париж +11 / +12 Москва +4 / +3

Ўзбекистон ХДП Қашқадарь вилоят кенгаши Китоб туман партия кенгаши раиси Санжар Қурбонова отаси Пўлат ҚУРБОНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этди.

Тадбир

Ватан ҳақида қуйлаш ҳар бир ижодкорнинг қалбидаги эзгу истакдир.

Ватанни мадҳ этайлик!

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси томонидан ташкил этилган бу ижодий тадбирда миллий эстрадалар вакиллари, ёш истеъдодли санъаткорлар мактаб ўқувчилари билан қизиқарли суҳбатлар, маҳорат дарсларини олиб боришди.

Таъкидлаш ўринлики, ўтган йиллар давомида мамлакатимизнинг барча шаҳар ва туманларида қад ростлаган мусиқа ва санъат мактаблари ёш истеъдодларни тарбиялаб, вояга етказиш, уларнинг маънавиятини юксалтириш, қалбига инсонпарварлик ғояларини сингдириш каби эзгу мақсадларга хизмат қилиб келмоқда.

Президентимизнинг «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарорига асосан 2011 йилда янгидан қуриб, фойдаланишга топширилган ушбу мактабда ҳам болалар мусиқа сирларини пухта ўрганиб, ўз истеъдодларини намойиш этишлари учун барча шароит яратилган.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА

Ижтимоий ҳимоя

Соғлом, баркамол авлод учун

«Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича қатор лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда.

Жумладан, Корея Республикасининг бир қатор халқаро ташкилотлари ва университетлари билан ҳамкорликда ўтган йили юртимизнинг турли ҳудудларида яшовчи 800 нафардан зиёд бемор бола тиббий кўрикдан ўтказилди.

Яқинда кореялик мутахассислар томонидан жамғарманинг тиббий-ижтимоий марказида Тошкент вилояти Урта Чирчиқ болалар шифохонаси ва Мехрибонлик уйида тарбияланувчи бемор болалар чуқурлаштирилган тиббий назоратдан ўтказилди.

2014 йил — Соғлом бола йили

Эртанги кун эгалари

таълим-тарбия олаётган болалар боғчаларида барча шароитлар яратилган



Самарқанд шаҳридаги Кимёгарлар шаҳарчасида жойлашган 107-мактабгача таълим муассасасида болажонларга 29 нафар тарбиячи таълим-тарбия бermoқда.

Бу ерда кўгирчоқ театри, ракс, бадий ва ритмик гимнастика, рассомчилик, қаратэ ва бадий сўз ўрганиш — дефектология бўйича машғулотлари олиб борилади.

Тоҳир НОРҚУЛОВ олган сурат.



Муваффиқ бўлган сурат.

Жамғарма бизни Тошкентга келган Германия шифокорларининг тиббий кўригига чакирди.

— Ёшлигида ўғлимнинг оғир куйиши натижасида қўл ва оёқ бармоқлари бир-бирига ёпишиб қолган эди, — дейди Дилрабо Пирматова.

Альбина ЖУМАНОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

8 март — Халқаро хотин-қизлар кун

Аёллар байрамига бағишланди

И.Савицкий номидаги қорақалпоқ давлат санъат музейида «Аёл бўлиш — бахтим менинг» деб номланган кўргазма очилди.

Кўргазмада таникли мўйқалам усталари томонидан яратилган саксондан зиёд картиналар, ҳайкалтарошлик асарлари намойиш этилмоқда.

Музей фондида сақланаётган бу ноёб асарлар ва 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган кўргазма томошабинлар томонидан самимий кутуб олинди.

Кўргазмада намойиш этилаётган машҳур мусаввирлар У.Тансиқбоевнинг «Ўзбек қизи», Н.Қарахоннинг «Лола қўтарган қиз», Е.Қаравайнинг «Қизим билан автопортрет» картиналари томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

А.ОРТИҚБОВЕВ, ЎЗА мухбири.

MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV. TAHIR HAY'ATI: Abdulla ORIPOV, Hotamjon KETMONOV, Ulug'bek VAFOYEV, Rustam KAMILOV, Sharbat ABDULLAYEVA

Qabulxonona — 233-65-45. Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56. E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAZIYEV. Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV. ISSN 2010-7633